

Фиръавнинг жасади



16:03 / 13.12.2018 8903

Тарихчи Ҳеродотнинг сўзларига кўра, қадимги Миср халқи дунёнинг энг художўй кишилари бўлган. Аммо улар ҳақ динга эмас, балки бузуқ бир динга, кўпхудоликка эътиқод қилар эдилар.

Фиръавн сўзи эса бир пайтлар Миср ҳукмдорларининг саройига нисбатан қўлланилар эди. Вақт ўтиши билан бу сўз Миср подшоҳларининг унвонига айланиб кетди. Мисрликларнинг бидъат-хурофотлари шу даражага етдики, улар фиръавнни Худонинг ердаги сиймоси деб ҳисоблай бошладилар. Мисрликларга пайғамбар этиб ҳазрати Мусо (алайҳиссалом) юборилдилар. Ҳазрати Мусо (алайҳиссалом) Аллоҳ Таолонинг амр-фармонига биноан мисрликларни ширк ва залолатдан қайтиб, якка Аллоҳга сиғинишга даъват қила бошладилар. Аммо фиръавн Аллоҳнинг элчисига тухмат ва бўҳтонлар ёғдириб, илоҳий даъватдан кескин бош тортди. Такаббур фиръавн Аллоҳ таолонинг салтанатини тан олмади, ҳидоятдан ғофиллигича қолди, ҳатто қавмини бу юртдан олиб чиқиб кетаётган Аллоҳнинг элчиси устига қўшин тортди. Аммо Аллоҳ Таоло пайғамбарига буюк мўъжиза кўрсатиб, фиръавн қўшинини дарёга ғарқ қилди, мушрик қавм парвардигоримизнинг қаҳр-ғазабига учради.

«Ва Бану Исроилни денгиздан ўтказдик. Бас, Фиръавн ва унинг лашкарлари зулм ва тажовуз ила уларни таъқиб этдилар. Ниҳоят,

унга ғарқ бўлиш етганида: «Бану Исроил иймон келтирган Зотдан ўзга Илоҳ йўқлигига иймон келтирдим ва мен мусулмонларданман», - деди» (Юнус сураси, 90-оят). Аммо Аллоҳ таоло фиръавнинг кечиккан тавбасини қабул қилмади.

Кофирларнинг бошлиғи Фиръавн эса,

«Ниҳоят, унга ғарқ бўлиш етганида: «Бану Исроил иймон келтирган Зотдан ўзга Илоҳ йўқлигига иймон келтирдим ва мен мусулмонларданман», - деди».

Энди унинг ҳеч иложи қолмаган эди. Мулкидан ажраган эди. Ҳукмидан ажраган эди. Амалдорларидан ва аскарларидан ажраган эди. Ўлими муқаррарлигига ақли етганида кўзи очилди. Иймонга келди. Аммо бу фойда бермайди. Унга ва унга ўхшашларга бундай пайтда қуйидагилар айтилади:

“Эндими?! Олдин исён қилган ва бузғунчилардан бўлган эдинг-ку?! Бугун сени баданинг-ла қутқарамиз. Токи ўзингдан кейингиларга оят (ибрат) бўлгин. Албатта, кўп одамлар оятларимиздан ғофилдирлар. (Юнус сураси, 91-92-оятлар).

Ояти каримада фиръавннинг жасади келгуси авлодларга ибрат бўлиши учун сақлаб қолиниши, яъни унинг жасади чиримаслиги, бузилмаслиги айтилган.

«Бугун сени баданинг-ла қутқарамиз».

Жонингни оламиз. Бошқалар каби ўласан. Чунки сен ҳам оддий ожиз бандасан. Аммо жасадингни қутқарамиз. Балиқлар ҳам емайди. Сувга оқиб ҳам йўқ бўлмайди. Бошқа сабаб билан ҳам йўқ бўлиб кетмайди.

«Токи ўзингдан кейингиларга оят (ибрат) бўлгин».

Шунчалар мулкка эга бўлсанг ҳам, қанча катта даъволар қилган бўлсанг ҳам, аскарларинг шу қадар кўп бўлса ҳам, барибир Аллоҳнинг азобидан қутула олмаганингни кўриб, ибрат олсинлар. Ўлик ҳолдаги жонсиз жасадинг сув устида чорасиз қалқиб, оқиб юрганини ҳамма кўрсин. Ҳамма кўриб, «Ҳолинг шу экан-ку», - десин.

Дарҳақиқат, бугунги кунда фиръавнинг мўмиёланган жасади Қоҳира музейида фиръавнлар сағанасида сақланмоқда. Бу нодир экспонат музейга ташриф буюрганлар учун тарихий ибрат сифатида намоиш

қилинмоқда.

Қуръони каримда зикр қилинган ва ўн тўрт аср муқаддам инсониятга нозил қилинган ҳақиқат ана шундай тасдиқланди.

Islom.uz портали таҳририяти